IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LB67126606

**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLIGI BUYRÍǴÍ**

1«avgust»2023 jıl. **624-A/F-san** Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 02/976-А/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июлдаги “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 290-сон қарори ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 25 июлдаги 02/976-А/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июлдаги 290-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 02/976-А/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

оғир ишларда ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда **18 (ўн саккиз)** ёшга тўлмаган шахсларнинг, шунингдек мазкур ишлар соғлигига тўғри келмайдиган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши тақиқланиши;

**18 (ўн саккиз)** ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича вазифалар юклатилганлиги инобатга олинсин.

3. **Вазирлик тасарруфидаги барча спорт таълим муассалари директорларига:**

оғир ишларда ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда **18 (ўн саккиз)** ёшга тўлмаган шахсларнинг, шунингдек, мазкур ишлар соғлигига тўғри келмайдиган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши тақиқланиши;

**18 (ўн саккиз)** ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалар юклатилсин.

4. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси (Б.Толыбаев)га:

мазкур буйруқ билан бошқарманинг тегишли шўба бошлиқларини таништириш ҳамда буйруқ нусхаси ижро учун тизимдаги республика ташкилотлари ва муассасаларига юбориш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир в.в.б** **А.Алланазаров**